



# Жанубий

# ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 1 февраль, шанба, №12 (3513).



## Жасоратга таъзим

Буюк Галаба тарихига беш йил мобайнида фронт учун меҳнат қилган, мамлакатимизнинг уруш бўлаётган давлатларидан эвакуация қилинган минглаб одамларни қабул қилиб, 26та йирик sanoat корхонасини жойлаштирган вилоятимиз ҳам фронт ортида залворли ҳисса қўшган.

“Жанубий Қозоғистон” газетаси таҳририяти 1941-1945 йилларда Галаба қандай яқинлаштирилгани ҳақидаги мақолаларни чоп этишни бошлади, эндиликда қаҳрамон ҳамюртларимизнинг жасоратини йил бўйи ёритиб боради.

Вилоятимиздан 140 минг нафар киши Ватанимизни фашист босқинчиларидан ҳимоя қилди. Лекин жанг майдонидан ҳамма ҳам қайтмади. Улардан баъзилари урушнинг биринчи кунларидаёқ қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Улуғ Ватан уруши тарихи – мардлик ва матонат тарихи, “Бизнинг ишимиз адолатли. Душман мағлуб бўлади. Галаба бизники бўлади!”. Бу иборани 1941 йил 22 июнь куни тушга яқин СССР Ташқи ишлар халқ комиссари Вячеслав Молотов радио орқали айтди. Бу сўзлар билан у Совет Иттифоқи фуқароларига мурожаат қилиб, уларга фашистлар Германиясининг СССРга хоинона ҳужуми ҳақида хабар берди. Матн мамлакатнинг барча газеталарида чоп этилди.

“1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган галаба учун” медалига қуйидаги гап ўйиб ёзилган: “Бизнинг ишимиз адолатлидир. Душман яқсон қилинади. Биз галаба қозонамиз!”.

Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаев таъкидлаганидек, инсон хотирасини ардоқлаш, тирикларни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш халқимизга хос одатдир. Инсон маънавиятини безайдиган бу фазилатларни ёшларимиз онгига чуқурроқ синдириш, аждодлари амалга оширган жасорат ва мардлик, фидойилик намуналари, тажрибалари орқали уларни эзгу ишларга сафарбар қилиш долзарб вазифадир.

Дастлаб, уруш йилларида Сайрамдан Прагагагача йўлни босиб ўтган, уч қарра “Шон-шухрат” ордени соҳиби Қарабай Қалтаевнинг жасоратига қисқача тўхталамиз.

1923 йил 5 майда Ақтас қишлоғида (Жанубий Қозоғистон вилояти) деҳқон оиласида туғилган. Мактабнинг 7-синфини тамомлаган. Темир йўл техникумини тамомлаб, Шимкент вокзалида механик бўлиб ишлади. 1942 йил августда Қизил Армия сафига қақрилади. 1942 йил сентябрда дастлабки жангда қатнашади. Днепр бўйида яраланган. 1944 йил 1 апрелда Березовка (Одесса вилояти) яқинидаги жангларда кўрсатган жасорати учун III даражали “Шон-шухрат” ордени билан тақдирланган. Ғарбий Украина ва Польша учун бўлган жангларда ҳам қатнашган, 1945 йил 27 январда Одер учун жангда кўрсатган жасорати учун II даражали “Шон-шухрат” ордени билан тақдирланган. 1945 йил 3 апрелда Гроссенах (Германия) яқинида душманнинг қарши ҳужумларини қайтариш пайтида кўрсатган жасорати учун I даражали “Шон-шухрат” ордени билан тақдирланган. 1947 йилда ҳарбий хизматдан нафақага чиқади. Кечки мактабнинг 10-синфини тамомлаб, СССР Ички ишлар вазирлигида фаолият юритган.

Кентовлик Бадам Тўребаев 1927 йил 13 ноябрда туғилган. 1944 йилда армияга қақрилиб, 4 ойлик ҳарбий тайёргарликдан ўтган. Шундан сўнг Беларус фронтинида жасорати билан танилган. Берлинга боради.

Икки марта “Жасорати учун”, “Берлинни забт этгани учун”, “Германия устидан қозонилган Галаба учун” медаллари, I даражали “Улуғ Ватан уруши” ордени билан тақдирланган.

Рейхстагни забт этишда иштирок этган Неъмат Абдурашулов 1922 йил 1 январда Туркистон шаҳрида таваллуд топган. Уруш тугагач, Туркистон шаҳар милициясида ва Туркистон шаҳар депосида ҳайдовчи бўлиб ишлаган.

Аскар Сталинград, Курск, Украина, Белоруссия, Польша шаҳарларини душмандан озод қилишда ҳам иштирок этган. Кўрсатган жасорати учун у I даражали “Қизил юлдуз”, I, II даражали “Шон-шухрат”, I даражали “Улуғ Ватан уруши”, “Жасорати учун” ва бошқа кўплаб медаллар билан тақдирланган.



Вилоятимизда Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг хотираси эъзозланади. Айрим аҳоли манзилларида Улуғ Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳамюртларимиз хотирасига ёдгорликлар ўрнатилган. 52 нафар юртдошимиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

1975 йил августда Шимкентдаги Куйбишев майдонида самолёт ҳайкалининг очилиш маросими ўтди. Унда “Чимкентда учишга йўлланма олган авиаторларга – Ватанимизни 1941-1945 йилларда Улуғ Ватан урушида ҳимоя қилган қаҳрамонларга”, деган ёзув бор. Ёдгорликнинг очилиш маросимига шаҳарга Харьков вилоятининг Чугуев шаҳридан уч қарра Совет Иттифоқи Қаҳрамони, афсонавий учувчи, ушбу парвоз мактабининг собиқ инструктори Иван Никитович Кожедуб ташриф буюрган эди. У фронтга Шимкент шаҳридан учиб кетган эди. Бўлажак маршал душманнинг 64та самолётини уриб туширган.

Ҳозирда авиаторлар хотира-ёдгорлиги Абай истирохат боғидаги “Шон-шухрат” хиёбонига ўрнатилган.

А. АБДУФАТТОҲ.

## ФУҚАРОЛАР ФАРОВОНЛИГИНИ ЯХШИЛАШ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТГА БЕВОСИТА БОҒЛИҚ



### Астана шаҳрида Давлат раҳбари Қ. Тўқаев раислигида Қозоғистон Ҳукуматининг кенгайтирилган йиғилиши ўтди.

Унда мамлакатнинг 2024 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти яқунлари сарҳисоб қилиниб, Ҳукуматнинг галдаги асосий вазифалари белгиланди.

Мажлисида Бош вазир Ў. Бектенов, Миллий Банк раиси Т. Сулейменов, қатор вилоятлар ҳокимларининг ҳисоботлари тингланди.

Давлат раҳбари 2024 йилда иқтисодиёт тараққиётига кўплаб салбий омиллар таъсир кўрсатганини қайд этди. Бироқ вазият назорат остида бўлгани ва давлат идоралари унинг янада оғирлашишига йўл қўймаганини алоҳида таъкидлади.

– Жаҳондаги оғир вазиятга қарамай, мамлакатимизда яхши натижалар кузатилмоқда. Ўтган

йил ижобий натижалар билан яқунланди, мамлакат иқтисодиёти юксалмоқда. Лекин ҳали ечимини кутаётган муаммолар етарли. Биринчидан, иқтисодиётни ранг-баранглаштириш вазифаси тўлиқ бажарилмаган. Иқтисодиёт ҳали ҳам Миллий жамғармага қарам. Аммо шунини таъкидлаш жоизки, Миллий жамғарма иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлиб, тадбиркорлик субъектларининг сармоя фаоллиги етарли даражада эмас. Бу камчиликларни жорий йилда тuzатиш керак. Бунинг учун Ҳукумат аниқ чоралар кўриши зарур, – деди Қ. Тўқаев.

Давлат раҳбари Ҳукуматнинг кенгайтирилган йиғилиши дунёдаги туб ўзгаришлар даврида ўтаётганлиги ва ушбу дунёвий жараёнлар Қозоғистондаги иқтисодий вазиятга кучли таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлади.

– Тўлиқ рақамлаштиришга асосланган янги технологик тартибга ўтиш дунёда сифат

жиҳатидан янги воқеликларни яратишга олиб келишини ҳам унутмаслигимиз керак. Сиз бунга тайёр бўлишингиз зарур. Уларга муваффақиятли мослашиш Қозоғистоннинг рақобатбардошлиги ва барқарор тараққиётида ҳал қилувчи омил бўлади, – деди Президент.

Бош вазир Ў. Бектенов АЭС қурилиши мумкин бўлган иккита жойини аниқлаш бўйича ҳудудлар таҳлили яқунланаётганини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, яқин орада Алматы вилоятида биринчи Атом электр станциясини қуриш бўйича зарур келишувлар тузилади.

Бош вазир ҚҚС ставкасини ошириш зарурлигини ҳам маълум қилди.

Ҳукумат иш ҳақи жамғармасининг юкларини камайтиришни таклиф қилмоқда.

– Бунга эришиш учун ҚҚС ставкасини ошириш, шу билан бирга иш берувчилар томонидан ижтимоий ва мажбурий пенсия тўловларини камайтириш зарур.

Бу корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш, улар учун зарур молиявий захираларни яратиш имконини беради. Иш ҳақи жамғарманинг юкларини камайтириш корхоналарга ишчиларнинг иш ҳақини ошириш имконини беради. Қўшимча солиқ тушумлари иқтисодий тараққиётни рағбатлантириш, инфратузилмани жадал ривожлантириш, устувор тармоқларда истиқболли бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади, – деди Ў. Бектенов.

Ўз навбатида, Бош вазир ўринбосари С. Жуманғарин бугунги кунда янги Солиқ кодекси лойиҳаси Парламентда муҳокама қилинаётганини, унда солиқ имтиёзларини камайтириш, иккинчи даражали банклар учун солиқларни ошириш, шунингдек, қатор чора-тадбирлар назарда тутилганини эслатди, шунингдек, қимор бизнеси, ҳашамаат буюмлари ва бошқалар.

Акorda.kz маълумотлари асосида.



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Туркистон вилояти агросаноат соҳаси янги технологиялар ва халқаро ҳамкорлик марказига айланмоқда, соҳага сармоя жалб этишда ҳам илғор бўлиб келмоқда. Вилоят ҳокими Н. Кўшеров бир гуруҳ корейлик сармоядорлар билан учрашув чоғида қатор муҳим лойиҳаларни муҳокама қилди.

Тадбиркорлар ем-хашак ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, қорамол етиштириш ва корейлик илғор технологияларни жорий этган ҳолда гуруҳ етиштиришга йўналтирилган кенг қамровли сармоявий лойиҳаларни ишга тушириш режаларини тақдим этдилар. Ушбу лойиҳа

вилоятнинг қишлоқ хўжалиги салоҳиятини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва қишлоқ хўжалигига замонавий технологияларни жорий этиш имконини беради.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғидаги Муҳиддин Сиддиқов раҳбарлик қилаётган 100-сонли мактабда Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллигига бағишлаб, “Ота-оналар ва мактаб ўқувчилар орасида миллий қадриятларни тарғиб қилиш” мавзусида тадбир ўтди.

## МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Унда вилоят ЎЗМБ раиси ўринбосари Бахтиёр Шомуродов иштирок этиб, йиғилганларни ҚХАнинг 30 йиллиги доирасида амалга оширилаётган тадбирлар режаси билан таништирди.

Асосий мақсад – ёшлар ўртасида миллий қадриятларни тарғиб этиш, маданият ва тилни ривожлантириш, миллатлараро

дўстликни мустаҳкамлаш ва қозоғистонча ўзига хосликни шакллантиришдан иборат.

Тадбир давомида ўқувчилар ZOOM дастури орқали Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати депутати Алишер Сотволдиев билан бевосита алоқа ўрнатишди. Сенатор ҚХАнинг бугунги кундаги фаолияти, унинг



давлат тараққиётидаги алоҳида аҳамияти ва ёшлар истиқболли ҳақида гапирди. Шунингдек, уларнинг ўқишлари ҳамда келгусида Ватан равнақи йўлидаги фаолиятларига муваффақиятлар тилади.

Тадбир доирасида ўқувчилар иштирокида дўстлик ҳақидаги шеърлар ўқилиб, қўшиқлар янради. Мактаб ўқувчиларининг хунармандчилиги йўналишидаги ишлари намойиш этилди.

М. УСМОНОВА.





## КЎП ҚИРРАЛИ САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК ДАВРИ

**Вилоят ҳокими Н. Кўшеров АҚШлик сармоядор билан учрашиб, таълим соҳасини ривожлантиришга оид янги лойиҳани муҳокама қилди.**

Қозоғистонда туғилиб-ўсган Даяна Музан Туркистон вилоятида қозоқ тили ва адабиётини теран ўрганган болалар боғчаси ва мактаб очишга қаратилган ижтимоий лойиҳасини тақдим этди. Ушбу хусусий таълим даргоҳида тилларни ўрганиш, спорт ва musiқага ошно эътиборини истикболли лойиҳа пайдо бўлади.

Истикболли лойиҳа Европа таълим андазалари асосида ишлаб чиқилган. Музокаралар

чоғида вилоят ҳокими лойиҳани амалга оширишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини айтди.

— Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев раислигида ўтган Хукуматнинг Кенгайтирилган йиғилишида Давлат раҳбари таълим соҳасини ривожлантириш ва сармоя жалб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Хизмат доирасида турли мамлакатлар сармоядорлари билан учрашиб

турамиз. Минтақамизда таълим сифатини оширишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Ўз навбатида, биз бу йўналишдаги ишларни расмиятчиликларсиз, имкон қадар тез ҳал қилиш учун куч-ғайратимизни аямаймиз, — деди Нуралхан Кўшеров.

Вилоят ҳокими янги ўқув марказини барпо этиш учун ҳудуд танлашда аҳолининг зич жойлашуви, муҳандислик тармоқлар ва инфратузилмага уланиш имкониятларини инобатга олиш зарурлигини таъкидлади.

**Вилоят ҳоқимининг  
матбуот хизмати.**

»» “Тоza Қозоғистон”

## ДАСТУР ИЖРОСИ ПУХТАЛАНДИ



**Ўтган йили “Тоza Қозоғистон” дастури доирасида вилоятимизда 7300га яқин шанбалик уюштирилиб, 34та кенг қамровли тадбирни ўз ичига оладиган режа тасдиқланди.**

Тозалик тадбири йўлга қўйиладиган иш ва режалар вилоят ҳоқимининг биринчи ўринбосари Зулпихар Жўлдасов раислигида ўтган мажлисда пухталаниб, тақлифлар билдирилди.

Вилоят ҳоқимининг биринчи муовини бошқарма раҳбарлари ва шаҳар, туман ҳоқимларига топшириқлар бериб, тақиқланган жойларга чиқинди ташлаш масаласини ҳал қилишни юкледи.

Мажлисда сўзга чиққан энергетика ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси раҳбари Руслан Муздибеков дастур доирасида амалга оширилган ишларга тўхталди.

“Тоza Қозоғистон” дастури бўйича шаҳар ва туман ҳоқимларининг ишлари 10та кўрсаткич бўйича баҳоланади. Ишни тегишли даражада ба- жармаган раҳбарлар қатъий жазоланади. Дастур доирасида амалга оширилган ишлар бевосита вилоят ҳоқими Нуралхан Кўшеров назоратида бўлади.

**Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.**

»» Бозор иқтисодиёти ва нарх-наво

## КАРТОШКА – ИККИНЧИ НОН

**Туркистон шаҳри бозорларида аҳоли энг кўп истеъмол қиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти – картошканинг ҳар килоси 340-350 тенгедан сотилмоқда.**

Январ ойининг бошида нарх 500 тенгегача кўтарилган. Вилоят ҳоқимлиги томонидан кўрилган тезкор чоралар, хусусан, ташкил этилган ярмаркада картошканинг килоси 100 тенгедан сотилди. Туркистон, Кентов, Арис шаҳарларининг 64та ижтимоий дўконларида картошка



арзон нархда сотилмоқда. Доимий муштарийларимиз вилоят ҳоқимлиги томонидан аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадидаги амалий чоралардан миннатдор.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

## ЖАМОАТ ҚАБУЛИ ЎТДИ

**Халқ ва ҳоқимият ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашда жамоат қабули амалиёти муҳим аҳамият касб этади.**

Яқинда Сайрам туман мас- лаҳати раиси Шамхат Холмуродов жамоат қабулини ўтказиб, аҳолини ташивлантираётган масалалар, жумладан, уларнинг шикоят ва тақлифларини тинглади. Жамоат қабулида туман прокуратураси ва полиция бошқармаси ходимлари, суд ижрочилари, қишлоқ ҳоқимлари, алоҳида бўлим раҳбарлари, адвокатлар ва депутатларнинг ишти- роки аҳоли томонидан берил-



ган саволларга жавоб бериш ва тезкор ёрдам кўрсатиш самарадорлигини оширди. Бундай учрашувлар халқ ишончини мустаҳкамлаб, ма-

ҳаллий даражадаги муаммо- ларни жадал ва очиқ тарзда ҳал этишга ҳисса қўшади.

**З. МҮМИНЖОНОВ.**

»» Медиация – тотувлик гарови

## ЭЛ БИРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ ДАСТАК

Ҳамза номли мактабда Туркистон вилояти ҚХА қо- шидаги медиация кенга- ши раиси, вилоят жамоат кенгаши аъзоси, ҚР ички ишлар органлари фахрийси Бахтжан Бейсембаев билан учрашув уюштирилди.

Тадбир “Медиация тўғриси- да” қонун қабул қилинганига 14 йил тўлишига бағишланди. 2011 йил 28 январда қабул қи-



линган, фуқаролар ўртасидаги мулк, меросхўрлик, йўл-транс- порт ҳодисалари, этнослараро низолар, ўғирлик, безорилик, алимент ундириш каби кўплаб моjarоларда фуқароларни қонун асосида ўзаро тотув- лаштиришни мақсад тутган қонуннинг амалда самараси бекиёс. 2011 йилга қадар Қозоғистонда қамоқхоналар сони 104, судланганлар 99 минг кишини ташкил этган бўлса, медиация талабининг қўлла- ниши билан қамоқхоналар 78, судланганлар 37 мингга қадар камайди.

Саврон тумани, Туркистон шаҳар УЭМБ раислари Қур- бонбой Ирисбеков, Райимжон Қўчқоров, фахрий оқсоқол Тўлқин Саидмуродовлар ме- диация асосида Бахтжан Жар- маханули амалга оширган кўп

хайрли ва ҳолис хизматларини таъкидлаб, унга миннатдор- чилик билдиришди. Фаоллар Хусан Убайдуллаев, Айниддин Абубакиров, Ирискул Аббосов, Усар Неъматуллаев, Бобожон Ёқубов, Абдуҳамид Умаровлар саволларига атофлича жавоб олишди. Қорачиқ қишлоғига тааллуқли муаммоларни баён этган Мирзахон Адҳамовнинг мурожаати бўйича Б. Бейсем- баев вилоят миқёсидаги мута- садди раҳбарларга мурожаат этадиган бўлди.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Тасвирларда:** Б. Бейсем- баев; М. Адҳамов мурожаат этмоқда.

**Муаллиф суратга олган.**

»» 2025 – Ишчи касблари йили

## ФАХРИЙ МЕХАНИЗАТОР ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА



ҚР Президентининг Қозо- гистон халқига Мақтубида 2025 – ишчи касблари йили деб эълон қилинганлиги му- носабати билан Сўзоқ ту- мани, Сўзоқ қишлоғидаги тажрибали устоз Бақдаулет Жақсилиқули раҳбарлик қи- лаётган 1-сонли коллежда махсус медиа лойиҳа ишлаб чиқилди.

Ушбу лойиҳа ишчи касб- лари аҳамиятини тарғиб қилиб, ёшларни бозор иқтисодиётига рақобатбардош мутахассис сифатида тарбиялашни мақсад тутди.

Лойиҳа доирасида механи- заторлик касбини эъозлаб, бахтини фидокорона меҳнат- дан топган ҳамқишлоғимиз, бугунги кунда нафақа ёшидаги меҳнат фахрийси Олимжон Раҳимбоев коллеж талабалари билан учрашди.

Олимжон Отабой ўғли 1958 йили 2 январда Сўзоқ тумани- да туғилган. Сўзоқ қишлоғида- ги А. Навоий номли мактабдан сўнг 1979 йили собиқ СПТУ-22, ҳозирги 1-сонли коллежни “Кенг профилли тракторчи-ма- шинист” ихтисослиги бўйича муваффақиятли тамомлади. “Сўзоқ” давлат хўжалигида дастлаб чилангар-таъмирлов-

чи, сўнг тракторчи, пешқадам механик сифатида жамоанинг эътиборини қозонди. Устозла- ридан билмаганини сураб ўр- ганди. Мустақиллик йилларида “Жылтырақ”, «Көкалаң» деҳқон хўжаликлариде, жами 42 йил ўз касбини ардоқлаб, виждо- нан ишлади. 2021 йилдан буён фахрий хордиқда. Умр йўлдо- ши Айтбану Азимбоева билан

икки ўғил, икки қиз тарбиялаб, 15 невара кўрган пири бадав- лат, бахтли оила соҳиби.

Талабалар билан мулоқот чоғида фахрий механизатор Олимжон Раҳимбоев ўзи тан- лаган касбга астойдил қизиқ- қанлиги, тинимсиз изланиб кўп ўрганганлиги, меҳнатсеварлиги билан қийинчиликлар, турли синовларни сабот билан енгиб

ўтганлигини, ҳалол меҳнат ила фаровон ҳаёт кечираётганлиги- ни фахр ила баён этиб, савол- ларга батафсил жавоб берди.

**Руслан ОТАЖИЕВ,  
Сўзоқ қишлоғидаги 1-сонли  
коллеж директорининг  
ўринбосари, Туркистон  
вилоятининг ибратли  
фуқароси.**

**Тасвирда:** тадбирдан лавҳа.

## БАЛИҚЧИЛИК – СЕРДАРОМАД СОҲА

**Вилоят ҳоқимининг топшириғига мувофиқ, Тулкибош тумани ҳоқими Аскар Естибаев раислигида ҳудудда балиқчилик билан шуғулланаётган тадбиркорлар ҳамда ушбу касбни бошлаш истагидаги 30 нафар фуқаро иштирокида семинар-кенгаш ўтди.**

Бугунги кунда туманда 26та балиқчи- лик хўжалиги фаолият юритиб, улар йили- га 120 тонна маҳсулот етиштирмоқда.

Эркин шаклда ўтган учрашувда туман- да балиқнинг қандай турини етиштириш мумкин, увилдириқларни қаердан олиш, қандай озуқа бериш керак, деган савол- ларга “Tulkiбas Fishing&resort” ЖШС вакили Булат Ширналигули сунъий ҳовуз қазиш- дан аввал соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиш зарурлигини таъкидла- ди. Чунки сув айланми етарли бўлмаган



ҳовузда балиқ етиштириш мумкин эмас, дейди мутахассис.

Тадбир якунида туман раҳбарияти ушбу соҳани ривожлантириш истагида тадбиркорларга қонун доирасида ёрдам кўрсатилиб, келгусида тажриба алмашиш учун намунали балиқчилик хўжалигида сайёр семинарлар уюштирилишни маъ- лум қилди. Тадбиркорлар ўзларини қи- зиқтирган саволларга атофлича жавоб олишди.

Мамлакатимизда балиқчиликни ривож- лантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу касбга бел боғлаган фуқароларга 30 фоизгача субсидия берилади.

**Тулкибош тумани  
ҳоқимининг матбуот хизмати.**







## »» Инсон меҳнати билан улуг

# Меҳр нури ёғар доим кўзингиздан, устозлар!

## ЁКИ МАОРИФ СОҲАСИДА 40 ЙИЛДАН ЗИЁД САМАРАЛИ МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЗАҲМАТКАШ УСТОЗ



Эски Иқон қишлоғидаги Ал Форобий номи мактабнинг тажрибали бошланғич синф муаллимаси, И. Алтинсарин мукофоти соҳибаси Жамила Алихон қизи маориф соҳасида 41 йилдан буён меҳнат қилмоқда.

Вилоятда бугунги кунда жами 1200га яқин давлат ва хусусий умумтаълим мактаблари фаолият юритмоқда. 1-синфга 52042 нафар жажжи ўқувчилар қабул қилинган. Мустақкам билим ва тарбия пойдевори айнан бошланғич синф ўқитувчиларининг заҳматли меҳнати ила яратилади.



У 1964 йили 9 февраль куни УВУ фахрийси, пешқадам пахтачилик бригадаси раҳбари Алихон Норхон ўғли ҳамда қаҳрамон она Шамкамол Умар қизи хонадонидида таваллуд топди. Ун фарзанд вояга етган пири бадавлат оиланинг бешинчиси Жамила эди. Қишлоқдаги "ВЛКСМ 50 йиллиги" номи мак-

табда аъло баҳоларга ўқиди. Саводини очиб, ўқишга меҳр уйғотган биринчи устози Ош Тўймат қизига ҳавас қилиб, муаллима бўлишга қарор қилди. Тошкент вилоятидаги Бекобод педагогика билим юрти муваффақиятли тамомлаб, бошланғич синф муаллимаси сифатида меҳнат фаолиятини Сирдарё вилоятидаги Қори Ниёзий номи ўрта мактабда бошлади.

Ташкилотчилиги, меҳнатсеварлиги, билими билан элнинг эътиборини қозониб, директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимига тайин-

ланди. Жамоат ишларида фаол бўлди. Дастлаб бир неча йил комсомол кўмитаси раисаси, сўнг коммунистик партия савига қабулланган, бошланғич партия ташкилоти котибаси вазифаларини адо этди. Доимий равишда билимини такомиллаштириб борди. "Кўргазмали қуроллардан самарали фойда-

ланишнинг аҳамияти" мавзудидаги иш тажрибаси Меҳнатобод тумани миқёсида тарқатилди. Самарали меҳнати учун олий тоифали устоз унвони, мактаб маъмурияти, туман, вилоят таълим бўлимларининг ташаккурномалари билан тақдирланди.

1991 йили Ғафур Ғуллом номидаги Сирдарё давлат педагогика институтининг педагогика факультетини сирдарё тамомлади. Ўзи ўқиган "Иқон", ҳозирги Ал Форобий номи мактабда ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги иқтисодий қийинчиликлар, ўқитувчиларнинг маошсиз ойлаб меҳнат қилган синовли кунлари ҳам ортда қолди. Директорлар, Марат Эргашов, Одилбек Жабборхонов, Зуппархон Чолдонов, айна пайтда Махсуда Мамадалиева раҳбарлигида ҳамкасблари билан ёш авлодга таълим-тарбия беришда давом этмоқда. Илғор иш тажрибаси Туркистон шаҳри ва вилоят миқёсида оммалаштирилган. Ўтган йили унга вилоят ҳокими И. Алтинсарин кўкрак нишонини тантанали равишда тақдим этди. Нуфузли "Шебер устаз" даражасига эришган. Шогирд камоли – устоз муроди. Жамила Алихон қизи илмга чанқоқ шогирдлари билан ҳақли равишда фахрланди.

Собиқ ўқувчилари бугунги кунда нафақат Эски Иқон, балки қўшни Ўзбекистон, Қозғоғистоннинг барча вилоятлари, хусусан, Алмати ва Астана ша-

ҳарларида эл равнақи йўлида меҳнат қилмоқда. Бошланғич синфларда ўзи ўқитган иқтидорли ўқувчиларидан Нигора Ғайратова тарих, Ҳасан Тўрахонов математикадан устози Жамила Алихон қизи билан бир мактабда шогирдларга таълим бермоқда. Астана шаҳрида Назарбаев университетидида фаолият юритаётган фан доктори Ҳумоюн Жабборхонов, "Haleybury Astana" таълим даргоҳининг пешқадам муаллимаси Озода Маннопова, шифокор Жамшид Поччахонов, Алмати шаҳрида шифокор Рамзи Зарбиддин ўғли, Эски Иқон қишлоғидаги А. Ясавий номи мактаб ўқитувчиси Умида Исмоилова, ўқув марказига раҳбарлик қилаётган Шамхат Жамоловлар меҳрибон устозлари билан фахрланиб, унга миннатдорчилик билдирдилар.

Оила – муқаддас қўрғон. Жамила Алихон қизи умр йўлдоши, хушовоз хонанда Қосим Шомухтор ўғли билан қўбил фарзандлар Зарнигор, Тўймат, Гулбахор, Шаҳзодаларни тарбиялаб, ширин-шакер наваралар кўрган бахтли оила соҳибаси. Фарзандлари ҳам олий маълумотли, маориф соҳаси пешқадами волидаи муҳтарамаси каби фидойи меҳнати билан хурмат қозонмоқда. Санобар Раҳмонованинг устозларга аталган қўшиғидаги "Меҳр нури ёғар доим, кўзингиздан устозлар, одоб ила билим олдим, сўзингиздан устозлар" сатрлари ўзи каби барча устозлар аҳлининг масъулиятли меҳнати мадҳиясига айланганини ифтихор ила идрок этгани.

### Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Жамила Алихон қизи директор Махсуда Мамадалиева билан; оила даврасида; ўқувчилар даврасида.

**P.S.** Ҳамкасблари, шогирдлари, оила-аъзолари 41 йил умрини ёш авлод таълим-тарбиясига бахшида этган мўътабар устоз Жамила Бойбековани таваллуд кунини шодибнаси билан муборакбод этади. Тахририят ҳам эзу ниятлар ижобатини тилайди.



**Воҳбайт**

"ХАЛҚ АРО ЯХШИРОҚ, ДЕДИНГ, КИМДУР? ЭШИТИБ, АЙЛА ШУБҲА РАФЪ АНДИН. ЯХШИРОҚ БИЛ АНИ УЛУС АРОКИМ, ЕТСА КЎПРАК УЛУСҚА НАФЪ АНДИН". Алишер НАВОЙИ.

(Мазмуни: "Одамлар ичида яхшироғи ким деб сўрадинг. Сўзимни эшитиб, шубҳалардан халос бўл: одамларга фойдаси кўпроқ тегадиган кишиларни одамларнинг яхшироғи деб бил").

**Сур шарқандир**

"ШАМНИ КУНДУЗИ ЁНДИРГАН КИШИНИНГ ТУНИ ҚОРОНҒИ БЎЛАДИ".

АБДИБЕК, 16-асрда яшаган форс тарихчиси.

"ИККИ КЕЧА КИТОБ ЎҚИЙ ОЛМАГАН-МАН, ХОЛОС: НИКОҲ КЕЧАСИ ВА ОТАМ ВАФОТ ЭТГАН КЕЧАСИ".

Ибн РУШД, Андалусияда яшаган олим ва файласуф.

**ИҚТИБОС**

**Нобель мукофоти лауреати Бернард Шоу ҳикматлари**

Халққа озор берганиндан ўлганинг яхшидир.

Саъдий ШЕРОЗИЙ.

Хар қандай лаззат хавф-хатарни кучайтиради.

Сенека Луций Анней.

"Ҳақиқат бор, лекин ҳақиқатни айтадиган одам йўқ-да. Ҳақиқат шунинг учун оёқни остида қолиб кетади-да".

Мурод Муҳаммад Дўст, ёзувчи ва жамоат арбоби.

"Фикрлайдиган, кўнгли нозик маъно, ишораларни англайдиган инсонлар хар доим ва хар жойда хор этилган".

Рауф ПАРФИ, халқ шоири.

**ГЎЗАЛЛИК ВАҲШИЙЛИКНИНГ ЮВВОШ КЎРИНИШИДИР**

"ХАР ҚАНДАЙ ГЎЗАЛЛИК ОРТИДА ВАҲШИЙЛИК ЯШИРИНГАН БЎЛАДИ. ГЎЗАЛЛИК ВАҲШИЙЛИКНИНГ ЮВВОШ КЎРИНИШИДИР. АНА У АЁЛ ҒОЯТ ГЎЗАЛ, ДЕБ АЙТИШИМИЗ БИЛАН ХАР ҚАНДАЙ ОДАМДА У АЁЛГА НИСБАТАН ВАҲШИЙЛИК УЙҒОНАДИ. МАНА БУ ГЎЛ ҚАНДАЙ НАФИС ДЕЙИШИМИЗ БИЛАН КЎНГЛИНИНГДА ШУ ГЎЛНИ УЗИБ ОЛИШ ИСТАГИ ПАЙДО БЎЛАДИ. ГЎЗАЛЛИККА ЭРИШИШИНГИЗ УЧУН ВАҲШИЙЛИК ҚИЛИШИНГИЗ ШАРТ БЎЛАДИ".

Назар ЭШОНҚҮЛ.

## »» Инсон умри давомида ўқиши шарт бўлган 10та китоб

"Олим бўл (илм берувчи бўл) ёки илм ўрганувчи бўл ёки тингловчи бўл ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан".

**ҲАДИСДАН.**

С. Д. Асфендияров номидаги Қозоқ Миллий Тиббиёт Университети фармакология кафедраси ассистенти ва Алмати минтақавий кўп тармоқли клиникасининг клиник фармаколог-шифокори, эксперт ҳамда Qazaq Radiosy "Достық" дастури радиобошловчиси Шоҳмурод МҮЛАЙХОНОВ инсон ҳаёти давомида ўқиши шарт бўлган 10 китобни тавсия қилади:

1. Чингиз АЙТМАТОВ – «АСРНИ ҚАРИТГАН КҮН».
2. Шайх Муҳаммад Содиқ МУҲАММАД ЮСУФ – «ОЛАМ ВА ОДАМ, ДИН ВА ИЛМ».
3. Тоҳир МАЛИК – «НАФС КИШАНЛАРИ».
4. Худойберди ТҲУҲТАБОВЕВ – «МУНГЛИ КҮЗЛАР».
5. Тоҳир МАЛИК – «АЛВИДО, БОЛАЛИК!».
6. Пиримқул ҚОДИРОВ – «ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР».
7. Тоҳир Малик – «ҲАЛОЛ НИМА-Ю. ҲАРОМ НИМА».
8. Джейн ОСТИН – «ГОРДОСТЬ И ПРЕДУБЕЖДЕНИЕ».
9. Абдулла ҚОДИРИЙ – «ЎТГАН КҮНЛАР».
10. Александр ДЮМА – «ТРИ МУШКЕТЕРА».



"Китоблар бизга олис ўтмишимиз, тарихимизни тирилтириб беради. Китобларда битилган ҳақ сўзларни йўқотиб бўлмайди, у мангуликка дахлдор".

**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ, адабиётшунос олим.**

## ИНСОНГА НАЖОТ, ҚАЛБГА ТАСКИН

Шимкент шаҳридаги С. Рахимов номи мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, шаҳар ҳокимлиги таълим бошқармасининг қатор ташаккурномалари ва фахрий ёрликлари соҳибаси Моҳида АҲМЕДОВА китобхонларга тавсия қилаётган 10та рисола:

1. «ТЕМУРНОМА».
2. Улуғбек ҲАМДАМ — «МУВОЗАНАТ».
3. Сергей БОРОДИН – «САМАРҚАНД ОСМОНИДАГИ ЮЛДУЗЛАР».
4. Чингиз АЙТМАТОВ — «АБАДИЙ ҚАЛЛИҚ».
5. Пиримқул ҚОДИРОВ – «МЕРОС», «ЭРК», «ҚАДРИМ».
6. Муҳаммад АЛИ — «УЛУҒ САЛТАНАТ» ТЕТРАЛОГИЯСИ.
7. Абдулҳамид ЧЎЛПОН – «КЕЧА ВА КҮНДУЗ».
8. Раҳмат ФАЙЗИЙ – «КИШИЛАРИМИЗ ҚИССАСИ».
9. Абдулла ҚАҲҲОР – «САРОБ».
10. Омон МУХТОР РОМАНЛАРИ, «ТҮРТ ТОМОН ҚИБЛА» ТРИЛОГИЯСИ.



## »» Табобат

## ЮРАК УЧУН ФЙДАЛИ ТАВСИЯЛАР

Хар куни кечкурун 10 донга ўрик қоқиси яхшилаб ўвилиб, 1 литрли банкага солиб, устига қайнаган сув қуйилади. Банка оғзи ёпиб қуйилади. Нонушадан ярим соат олдин тайёр бўлган шарбат ичилади ва меваси ейилади.

Кечкурун уйкуга ётишдан аввал 200 грамм қайнатилган сувга 1 ошқошиқ асал аралаштириб ичилади.

Хар куни 100гр. сузма ейиш ҳам юракни бақувват қилади. Хар куни 2 донга ширин олма ва помидор истеъмоли ҳам юрак фаолиятини яхшилади.



**1,5 ой давомида хар кеча ётишдан аввал, шу маҳсулотларни истеъмоли қилиб ётин:**

- 1 донга анжир;
- 5 донга қуритилган ўрик;
- 1 донга ўрик меваси.

### Фойдаси қандай?

Фойдаси шундаки, бел соҳасидаги умуртқа суяқларига самарали таъсир кўрсатиб, ҳатто диск чурраси касаллигини ҳам енгиллаштиради ва умуртқа суяқларини мустаҳкамлайди.



### Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ,  
Авазхон БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

### Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22  
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42  
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90  
Тулкибаш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71  
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97  
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82  
Кентош, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – "Жанубий Қозғоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти" масъулиятли чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирүүларида факт ҳамда далилларнинг тўрилиши учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.  
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.  
KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

"ERNUR print" МЧБ бошмахонасида чоп этилди.  
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Бюджет  
256.

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11700 нуска.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВ.ЮНОВА.